



Ҳақиқий ҳаёт илми анор
донагидек кўп ва бир
йиғинга тугилган экан...

4-с.

Илм олиш имконияти
чекка ҳудудларда ҳам
чегара танламайди

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№13
(2341)

2026 йил
18 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА
КУНДАЛИГИ

94,6 ФОИЗ МАҲАЛЛАДА БИРОРТА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛМАДИ

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси раиси
Қаҳрамон Қуронбоев
раислигида
маҳаллаларда
олдини олиш
мумкин бўлган
жиноятлар содир
этилиши таҳлил
қилинди.



Жорий
йилнинг
январь ойида
Республика бўйича
8 992 та маҳалланинг
94,6 фоизи (8 504
та) жиноятдан холи
ҳудудга айланди.

Амалга оширилган тадбирларга қарамай, январь ойида мамлакатимизнинг 8,6 фоиз (775 та) маҳалласида жиноят содир этилди. Жумладан, Чилонзор туманидаги “Ботирма”, Учтепа туманидаги “Бирилик”, Учкўприк туманидаги “Фаровон”, Шахрисабз шаҳридаги “Тутзор”, Сергели туманидаги “Қўҳна Қумарик”, Яшнобод туманидаги “Қатта Кўйлик”, Бектемир туманидаги “Нур офшон”, Олмасор туманидаги “Чимбой” маҳаллалари олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар салмоғи юқори бўлган йиғинлар рўйхатига қиритилган.

Уюшма раиси мазкур маҳаллаларнинг раислари ва профилактика инспекторлари билан суҳбат ўтказди. Суҳбат давомида жиноятларнинг содир этиш сабаблари ўрганилди. Йиғинда содир бўладиган ҳар қандай воқеага маҳалла раиси жавобгар экани, тинчлик, хотиржамлик фақатгина инспекторнинг ва-зифаси эмаслиги қайд этилди. Жорий йилнинг ўтган даврида жиноят содир этган ёшларни мутасаддиларга бириктириш (“оталикқа олиш”), маҳалладаги ёшлар етакчиси улар билан алоҳида ишлаши лозимлиги таъкидланди.

Ҳар ой якунида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар салмоғи юқори бўлган маҳаллалар раисларининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР



“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.

МАҲАЛЛА РИВОЖИГА 20 ТРИЛЛИОН СЎМ: ЙИҒИНЛАР “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ҚИЁФАСИГА КИРАДИ

О армонга кўра, маҳаллани ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган устувор ислохотларнинг асосий йўналишлари этиб кўйидагилар белгиланди, жумладан:

- **маҳаллаларда 10 мингдан зиёд** ишловб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш орқали қўшимча **100 мингта янги иш ўрнини** яратиш;
 - камбағалликдан холи маҳаллалар сонини **3,5 мингтага** етказиш;
 - **маҳаллалар инфратузилмасини** такомиллаштиришга **20 триллион сўм** маблағ йўналтириб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш.
- Президент фармони билан “Маҳалла инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастури” (Маҳалла ислохотлар дастури) қабул қилинди. 10 та банддан иборат дастурда маҳаллани ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.



Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

330 ТА “ОҒИР” МАҲАЛЛА ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ГЎШАГА АЙЛАНАДИ



“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган 330 та йиғин инфратузилмаси яхшиланади, уларга шаҳар муҳити, маҳалла ободлиги ва яшаш шароитларини олиб кириш бўйича янги ёндашувлар амалиётга жорий этилади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 октябрдаги “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги қишлоқ туманларида иккитадан, жами 330 та маҳаллага “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида йиғинлар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган эди.

Давоми 2-саҳифада.

8-саҳифа



Шароит ва имконият бир, аммо натижалар нега ҳар хил бўлади?

РАМАЗОН ОЙИДА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 2026 йил 17 февралда “Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Қарорга асосан, Рамазон ойида:

- Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестридаги фуқаролар, шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаётган оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади;



- Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасидаги ҳамда “маҳалла еттилиги” шакллантирилган қўшимча рўйхатдаги эҳтиёжманд оилаларга 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам берилади;
- Ижтимоий реестрдаги оилаларнинг 6 минг нафар бемор аъзоларининг даволаниши ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ харажатлари қўллаб берилади.

Молиявий ёрдамлардан даромад солиғи туланмайд.



2026 йилда
ЧУҚУР
ИХТИСОСЛАШГАН
тоифадаги
маҳаллалар сони
2 500 тага
етказилади.



251 ТА "ОФИР"
МАҲАЛЛАДА
умумий қуввати
97 МВт. бўлган
кичик қуёш
фотоэлектр
станциялари
барпо этилади.



1 091 ТА МАҲАЛЛАДА
хотин-қизлар
бандлигини
таъминлаш ва
саломатлигини
мустаҳкамлаш
марказлари
қурилади.



Mahalla

№13

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

2026 ЙИЛ
18 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

МАҲАЛЛА РИВОЖИГА 20 ТРИЛЛИОН СЎМ: ЙИҒИНЛАР “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ҚИЁФАСИГА КИРАДИ

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳаллада 100 мингта
иш ўрни яратилади

Маҳалла ислохотлар дастурига кўра, йиғинларда саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилади. Бу орқали 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ишга туширилади. Маҳаллаларда қўшимча 100 мингта янги иш ўрни яратилади. Айни мақсадлар учун кредит маблағлари ажратишга жами 5 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Маҳаллаларга ўз муаммоларини мустақил ҳал этиши учун молиявий имкониятлар кенгайтирилади. Бу жараёнда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига йилга қўшимча 300 миллиард сўм маблағ тушиши учун шароит яратилади. Жамғарма маблағлари қўшимча равишда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 15 фоизи, маҳалла ҳудудда санитария, ноқонуний қурилиш бўйича ундирилаётган жарималарнинг 10 фоизидан шакллантирилади.

“Маҳалла еттилиги” вакиллари ҳар бир хонадон кесимиди муаммоларни режа-жадвалга асосан ўрғаниб бориб, аниқланган муаммоларни “Рақамли маҳалла” электрон платформасига киритади. Муаммолар тегишлилиги бўйича платформада сунъий интеллект орқали тегишли вазирлик ва идораларга тақсимланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (rpm.gov.uz) билан “Рақамли маҳалла” платформасини интеграция қилиш орқали аҳолининг вазирлик ва идораларга юборган мурожаатларини маҳалла раиси аниқ вақт тартибда кузатиш имконияти яратилади.

“Еттилик” ўша маҳалланинг
ўзидан тайинланади

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш жараёнлари ислор қилинади. Унга кўра, 500 та маҳал-

лада тажриба тариқасида “маҳалла еттилиги” вакиллари уларнинг ўзи истиқомат қилаётган ва ёндош маҳалладан тайинланади. Бу орқали тегишли ҳудуд, умуман, маҳалладаги аниқ ҳолатни билган мутахассисларни саралаш имконияти яратилади.

“Еттилик” аъзоларини йиғилишлар ва бошқа тadbирларга жалб қилиш фақат фуқаролар йиғини раисининг руҳсати билан амалга оширилади, уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юқлаш қатъий тақиқланади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мазкур талабни бузгани учун давлат органлари ва ташкилотлари масъул ва мансабдор шахсларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича ҳар ойда Бош вазирга таклифлар киритиб боради.

Маҳаллани ривожлантириш
миллий институти
ташкил этилади

Олис ҳудудлардаги маҳаллаларда аҳолининг жамият ҳаётида ижтимоий фаол бўлишини таъминлаш, фуқаролар йиғинларининг аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги ролини оширишга қаратилган лойиҳалар йўлга қўйилади. Бу жараёнда Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига ҳар йили қўшимча равишда 200 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Мазкур маблағлар ўз хизмат биносига эга бўлмаган маҳаллаларга янги бино қуриш ва жиҳозлаш, болалар майдончалари ташкил этиш, “Фаровон ҳаётга қадам”, “Ишонч” лойиҳалари, “Маърифат орқали камбағалликни қисқартириш” дастурига сарфланади.

Аҳоли ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишга қаратилган тарғибот тadbирлари ташкил этилади.

Маҳаллани ривожлантириш миллий институти ҳамда унинг ҳудудий филиаллари ташкил этилади. Маҳалла раислари ҳамда тизимдаги раҳбар ва мутахассис кадрларнинг аниқ режа-жадвалга асосан, бир йилда бир



марта малакаси оширилади. Институтда магистратура босқичида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда бир йиллик, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда икки йиллик ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Натижада 20 мингга яқин маҳалла ходимлари малакасини ошириш тизими ва магистратура таълим мутахассислиги жорий этилади. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб, 120 нафар ходим магистратурада ўқийди.

“Маҳаллам – лойиҳам” дастури
амалга оширилади

“Маҳалла еттилиги” вакиллари фаолиятини баҳолашда белгиланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари мавжуд ҳолат ҳамда имкониятлардан келиб чиқиб белгиланади. Ҳоким ёрдамчиси фаолиятини KPI асосида баҳолашда “Электрон савдо платформаси (Online Bazaar)” да

маҳсулот сотиш кўрсаткичи чиқариб ташланади. “Маҳалла еттилиги” вакилларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашда уларнинг иш режасида назарда тутилган вазифалар ижроси натижалари инобатга олинади.

Маҳаллалардаги масалаларни уларнинг ўзида фуқаролар иштирокида ҳал этиш бўйича “Маҳаллам – лойиҳам” дастури амалга оширилади. “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми берилган ҳудудлардаги маҳаллаларда тажриба тариқасида ижтимоий, иқтисодий ёки экологик йўналишдаги масалаларни (канализация, кўчани ёритиш, болалар майдончаси, дархат экиб, боғ яратиш, ёшлар ва тadbиркорлар марказини ишга тушириш) овоз бериш орқали ҳал этилади. Тегишли маҳалла аҳолиси учун лойиҳаларга овоз бериш жараёнлари “Рақамли маҳалла” платформаси орқали амалга оширилади.

Натижада маҳаллада фуқароларнинг ташаббуси ва ижтимоий фаолияти ортади. Фуқаролар нафақат муаммони, балки унинг ечимини ҳам ташаббус қилиши амалиёти йўлга қўйилади. Ҳар бир маҳалла ўз лойиҳасини (экологик, ижтимоий, иқтисодий) ишлаб чиқди.

Маҳаллада давлат хизматлари
кўрсатилади

Туманларнинг олис ҳудудларида жойлашган маҳаллалар аҳолиси учун “бир қадам” тамойили асосида давлат, банк ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилади. Тажриба тариқасида Сирдарё вилоятининг Ховос тумани ва Наманган вилоятининг Янги Наманган туманларида маҳалла ахборот ва сервис марказлари ташкил этилади.

Марказлар фаолияти туман марказидан, қоида тариқасида, 20 километр ва ундан олисда жойлашган 5 та маҳаллада йўлга қўйилади, уларга ёндош маҳаллалар бириктирилади. Марказларда аҳолига барча турдаги давлат ва банк хизматлари кўрсатилади. Шунингдек, бу ерда маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, инфратузилма ва ижтимоий объектлар ҳолати, томорқа ва боғлар, профилактика каби маълумотларни ўзида акс эттирувчи ситуация бошқарув платформаси жорий қилинади.

Белгиланган туманларда 250 минг нафар аҳоли учун маҳаллаларнинг ўзида 500 га яқин давлат ва банк хизматлари кўрсатилади. 51 та маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ва инфратузилма ҳолати аниқ кўрсаткичлар асосида назорат қилинади. ***

Умуман олганда, Давлат дастури орқали маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш учун 20 триллион сўм маблағ йўналтирилади, уларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги қатъий назорат қилинади. Маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича янги тартиблар жорий этилади, хизмат кўрсатиш сифати ортади, “еттилик”нинг жамият ҳаётидаги ўрни юксалади.

ЖАРАЁН

НИГОҲ

330 та “оғир” маҳалла обод ва файзли гўшага айланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган 330 та маҳалла рўйхати, лойиҳаларнинг намунавий режаси тасдиқланди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда “Ислохотлар штаблари” “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар” Дастурини қабул қилган.

Эндиликда маҳалла раислари “еттилик” аъзолари билан биргаликда дастур доирасида маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари устидан доимий жамоатчилик назоратини ўрнатади. Маҳаллада кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтириш, хунармандчилик ва микросаноат марказларини ташкил этиш орқали ишсиз ва камбағал оилалар аъзоларининг бандлигини таъминлайди.

Маҳаллада амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар



Дастур доирасида ҳар бир маҳаллада электр таъминотини яхшилаш, ички кўчаларни таъмирлаш, саломатлик (пиедалар) йўлакларини қуриш, сув тармоғини тортиш, ҳаммом, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, тикувчилик цехи ташкил этиш ишлари бажарилади. Болалар майдончалари барпо этилиб, ўқув марказлари очилади. Шунингдек, ижтимоий объектлар, маҳалла биносини таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

“Рақамли маҳалла” платформасига киритиб борилади. Дастур лойиҳаларига “еттилик” аъзолари ва тегишли кўчабошилар масъул этиб бириктирилади. Ҳар ойда дастур ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маҳалла фуқаролари ва жамоатчилиikka ҳисобот берилади.

Уюшманинг туман (шаҳар) бўлими бошликлари дастурда белгиланган вазифалар бажарилишида камчиликлар аниқланган тақдирда, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳолатни бартараф этади. Ҳар ҳафта маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

2026 йил 1 мартдан бошлаб, ҳар ойда икки марта (ҳар ойнинг 15-санаси ва якуни билан) дастурда белгиланган лойиҳаларнинг бажарилиши бўйича маълумотлар Уюшмага тақдим этилади. Ҳар ой якунида ишлар ҳолати туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши, ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши мажлисларида муҳокама қилинади.

95 ФОИЗ ХОНАДОН РЎЙХАТДАН ЎТДИ

Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини
рўйхатга олиш тadbирининг иккинчи босқичи
давом этмокда.

аствабки маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги жами хонадонларнинг 95 фоизда истиқомат қилувчи аҳоли рўйхатга олиш жараёнларида фаол қатнашди. Бу — жуда юқори кўрсаткич бўлиб, фуқаролар фаоллик ва масъулият билан ёндашётганининг яққол ифодасидир.

Иккинчи босқичда рўйхатга олувчилар — “маҳалла еттилиги” вакиллари хонадонма-хонадон юриб, саволномаларни планшет қурилмалари орқали электрон тизимга киритмокда. Шунингдек, рўйхатга олувчилар фаолияти GPS орқали кузатиб борилаётгани жараёнининг очик ва шаффоф ташкил этилганини таъминлаяпти. Бу ҳар бир хонадонга ҳақиқатан ҳам ташриф буюрилоётганини тасдиқлайди.

Эслатиб ўтамиз, иккинчи босқич 28 февралгача давом этади ва фуқаролардан ҳеч қандай SMS код ёки пул сўралмайди.






МУСТАҚИЛ
КАСБ
ЎРГАНГАН аҳолига
меҳнат бозорида
тан олинадиган
малака
сертификати
берилади.



Товарларни
эркин муомалага
чиқаришда
ЭЛЕКТРОН
ТАСДИҚ ОЛИШ
ТАРТИБИ жорий
этилади.



Озиқ-овқат
хавфсизлиги
назорати
янгиланади:
ОПЕРАТОРЛАР
РЕЕСТРИ
ЮРИТИЛАДИ.

2026 йил
18 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №13

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Шу кунлар интенсив боғларни баҳор мавсумига тайёрлашда муҳим давр ҳисобланади. Ҳосилдорликни ошириш ва дарахтларнинг соғлом ўсишини таъминлаш учун бир қатор агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур.

ФЕВРАЛДА ИНТЕНСИВ БОҒЛАРНИ ҚАНДАЙ ПАРВАРИШЛАШ КЕРАК?



Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва
инновациялар миллий маркази директори.

Биринчи навбатда, ишни дарахтларга шакл беришдан бошлаш керак. Чунки қуруқ ва касалланган шохларни олиб ташлаш – ҳаво алмашинувини яхшилайти ва касалликларнинг олдини олади. Кейин зараркунандалар ва касалликларга қарши чоралар кўриш лозим. Бу жараёнда ҳимвоситалари билан дарахт танасига оҳақли эритма суриш зараркунандалардан ҳимоя қилишдаги яхши тадбир саналади.

Тупроқни озиқлантириш (ўғитлаш) да фосфор ва калийли ўғит ёрдамида дарахт илдизи мустаҳкамланади. Шунингдек, органик ўғитлар — гумус ва компост воситасида тупроқ унумдорлиги оширилади.

Томчилатиб суғориш тизимини тайёрлаш ҳам эртанги натижаларда муҳим. Яъни, қиш даврида музлаб қолган қувурларни текшириб, зарур ҳолларда таъмирланади. Қолаверса, февраль ойи — интенсив боғларни кенгайтириш ва янги кўчатлар экиш учун қулай пайт. Бу каби агротехник ишлар боғларнинг ҳосилдорлигига катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир жараёни ўз вақтида ва меъёрида бажариш самарадорликни оширишга ердан беради.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

ҲУНАРМАНД ЎЗ ЮМУШИ БИЛАН БАНД

Аммо шу орқали қарийб 5000 та иш ўрни,
500 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрлаш қуввати
вужудга келди

Хунарманд нафақат ўз ризқини топади, балки оиласи фаровонлигига ҳисса қўшади, қўшимча иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Маҳалламиз шундай хунармандлар маскани сифатида эътироф этилмоқда. Бу ерда асрлар давомида сайқал топиб келаётган устоз-шогирд анъанаси асосида ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Устахоналарда ёғочга жон бағишлаётган моҳир кўллар меҳнати бугун ҳам бардавом. Дарахт танаси улар кўлида сайқал топиб, ҳақиқий санъат асарига айланади. Ёғочнинг ҳар бир қатида табиат нафаси, уста кўлида эса маҳорат мужассам.



“Ғиждувон тажрибаси” асосида 10 гектар майдонда ташкил этилган ушбу ҳудудда 113 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг барқарор ишлаши учун бюджет ҳисобидан электр энергияси, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, ички йўллар каби зарур инфратузилма барпо этилган.

Маъмуржон МАҲМУДЖОНОВ,
Янги Наманган туманидаги “Соҳил” маҳалласи ҳокими ёрдамчиси.

Абдуллоҳи Иззатуллоев ана шундай усталардан. У қарийб 30 йилдан бери ёғочга ишлов бериб, турли рўзгор буюмлари тайёрлайди. Иш услубида анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашган. Эътиборлиси, устоз ҳунарини фарзандлари ва шогирдларига ўргатиб келмоқда. Оилавий тадбиркор сифатида 7 та иш ўрни яратган.

Маҳалламиз кўл меҳнатиغا ихтисослашган ҳудуд. Асосий “драйвер” — ёғоч ўймакорлиги. Айни пайтда 180 нафардан ортиқ хунарманд хонадонида тадбиркорлик қилади. Ҳар бирида 20 нафардан ишчи ва шогирд бўлиб, жами 450 та иш ўрни яратган. Шу боис ҳудудда жиноятчилик, ишсизликка барҳам берилган. Ҳамма ўз юмуши билан банд.

Айниқса, “Тараққиёт” кичик саноат зонаси ташкил этилгани имкониятимизни қаррасига оширди. Илгари тадбиркор ва хунармандлар ўз уйларида чекланган шароитда ишлаган бўлса, эндиликда замонавий инфратузилмага эга яхлит мажмуада фаолият юритмоқда.

Натижада йилига 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қуввати вужудга келди, 4 минг 800 та янги иш ўрни яратилди. Ёндош маҳаллалардан 170 нафар тадбиркор жалб этилгани, 350 дан зиёд хонадонда кооперация асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, тайёр ускуна ва амалиётдан фойдаланиб, ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга қайта ўқитиш имконияти бор. Бу — ишсизлик ва камбағалликни камайтириб, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Энди ўзини ўзи банд қилганлар меҳнат шартномаси бўйича ишлай олади. Ёки аксинча, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётганлар ўзини ўзи банд қилиши мумкин.

Ўзини ўзи банд қилганларга яна бир имкон

ап шундаки, “2026 йилда ҳудудларни янгилаш ёндашувлари асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, меҳнат шартномаси асосида банд бўлган шахслар (давлат фуқаролик хизматчилари бундан мустасно) бир вақтнинг ўзида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда шуғулланиши мумкин.

Худди шундай, ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда мазкур фаолият йўналиши бўйича иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади.

Яъни, айтилиш, қурилиш компанияси ишчиси тандирчилик ёки қулолчилик фаолияти бўйича ўзини ўзи банд қилиши мумкин. Ёки ўзини ўзи банд қилган новвой савдо мажмуасида меҳнат шартномаси асосида ёлланма ишчи бўлиб ишга қира олади. Фақат ёлланма ишчилик ва ўзини ўзи банд қилганлик битта фаолият соҳасида бўлмаса қифоя.

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД

Кўрсатилмаган хизматга тўлов ундириш қанчалик адолатли?

Юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлик, тозалик ва озодаликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан жорий йилнинг 7 февралидан 7 мартга қадар республика миқёсида “Тозалик ва озодалик ойлиги” эълон қилинди.

Хайрулло ФАЙЗ.

Бу ташаббус нафақат шаҳар ва туманлар, балки энг чекка маҳаллаларгача етиб бориб, юртимизда ободлик ва покизалик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Лекин айни шу жараёнда тўпланган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ муаммо кўзга ташланаяпти. Бу эса ҳақиқи эътирозларга сабаб бўляпти.

Рақобат қўмитаси таҳлилларига кўра, барча ҳудудларда ҳам меъёрга амал қилинмаяпти. Биргина 2025 йилда аҳолидан 1 000 тага яқин мурожаат келиб тушгани муаммонинг кўламини кўрсатиб турибди. Айниқса, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидан аризалар кўп келган. Мисол учун, Тошкент вилоятида 5 та чиқинди ташиш қорхонаси 250 мингга яқин истеъмолчидан 8,8 миллиард сўмдан ортиқ асоссиз маблағ олган. Ҳатто, айрим хонадонлардан чиқиндилар умуман олиб кетилмаган бўлса-да, уларга тўловлар ҳисобланган ва хизмат белгиланган даражада кўрсатилмаган.

Хўш, аслида чиқиндини олиб кетиш даврийлиги қанча? Қонунчиликка кўра, қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг кичик даврийлиги чиқинди тўплаш шохобчасидан – 1 кунда бир марта, яқка тартибдаги турар жойдан “овоз” усулида – 3 кунда бир мартани ташкил қилади. Чиқиндини тўплаш ва олиб кетиш хизмати кўрсатилмаган ёки сифатсиз кўрсатилганда далолатнома тузилади. Бу эса қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос ҳисобланади.



Сирдарё вилоятида ҳам маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган. Шунга қарамай, фуқаролар кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ тўлаган. Қайта ҳисоб-ки-тобда 628 миллион сўм истеъмолчилар фойдасига ундирилиши таъминланди.


Жараёнда иккинчи тарафнинг эътирози юзага чиқапти. Хусусан, қарздорлик кўп. Лекин бунга аҳолининг масъулиятсизлигидан кўра, хизмат кўрсатувчи ташкилот ҳамда абонентлар ўртасидаги шартнома тизимининг шаффоф эмаслиги сабаб бўляпти. Масалан, белгиланган тартибга кўра, чиқинди ташиш хизмати учун тўлов ҳар бир хонадондан шу оила аъзолари

сонидан келиб чиққан ҳолда ундирилади. Бироқ кўп ҳолларда хонадонда яшовчилар сони ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги рўйхат бир-бирига мувофиқ келмаяпти. Яна қимнингдир оила аъзоларидан бири узоқ вақтдан бўён хорижда ишляпти, қизи турмушга чиқиб кетган, фарзанди бошқа шаҳарда ўқишда ёки шунга ўхшаш ҳолат. Аммо яқинлари улар учун ҳам чиқиндига тўлов қияпти. Туламаса, хизмат кўрсатувчи қарздорлик ҳисоблаб бораверади. Уларни ҳисобдан чиқариш эса бир дунё югур-югурлару ҳужжатбозликлардан иборат. Бунга ҳаммининг ҳам вақти, имкони бўлмайд.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи, энг муҳим жиҳат — чиқиндидан қарздорлик сабаб электр энергияси тўловига чеклов киритилганидир. Қарздорлик мавжуд бўлса, бу тушунарли. Чўқур ўйлаб, “етти ўлчаб, бир кесилган” қарор. Лекин юқоридаги каби ҳолатда истеъмолчиларни айблаш ўринсиз. Ахир ким ҳам “емаган сомсага пул тўлаш”ни истайди.

Шу боис Рақобат қўмитаси бу борада ўрганиш олиб борди. Асоссиз қарздорлик сабаб электр энергияси тўловларига киритилган чекловларни қайта кўриб чиқишни сўраб, Чиқиндиларни бошқариш агентлигига сўров юборди.

Муаммога ечим йўқ эмас. Бунинг учун ҳар ким ўзи истиқомат қилаётган маҳалласининг ободлиги учун жон қойи-тиши, маҳалла масъулларига қўмаклашиши, хизмат кўрсатувчилар эса мажбуриятини бажариб қўйиши лозим.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОҶОВ
тайёрлади.



УЧ ЁШГАЧА
ФАРЗАНДИ БОР,
ногиронлиги бўлган
педагоглар
масофавий ёки
аралаш шаклда
малака оширади.



5,6 миллион
нафар бола
13 турдаги
вакциналар билан
ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАРГА
ҚАРШИ
эмланади.



35 ёшгача
ТУҒИШ ЁШИДАГИ
АЁЛЛАР
темир ва
фолий кислотаси
препарати билан
бепул
таъминланади.

4

Mahalla

№13

2026 йил
18 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ —
ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Хақиқий ҳаёт илми анор донагидек кўп ва бир йиғинга тутилган экан...

Маҳалладан ўрганиш мумкин бўлган нарсалар жуда кўп. Турфа тақдирлар, оилалардаги ўзига хос қадрият ва анъаналар, инсонларнинг эришаётган ютуқларига қараб, ҳақиқий ҳаёт илмини эгаллаб келяпман. Биринчи навбатда, оиламда йўл қўяётган хатоларимни тўғрилашга киришдим. Қолаверса, фарзанд тарбияси бўйича ёши улуғ инсонларнинг йўл-йўриқ ва тавсияларидан керакли сабоқларни чиқардим.

Шахло ЭШОНҚУЛОВА,
Навбахор туманидаги
“Армижон” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА,
КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

ТЕНГЛИК НАФАҚАТ
ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, БАЛКИ
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИДИР



Шахноза РАҲИМЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.

Олий Мажлис Сена-тида “Гендер тенглик фаоли” миллий танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Эътиборлиси, баҳолаш натижаларига кўра, “Гендер тенглик-ни таъминлашда энг фаол оммавий ахборот воситаси” номинацияси бўйича “Mahalla” газетаси эътироф этилди.

Дастлаб танлов ҳақида қисқача тўхталсак. “Гендер тенглик фаоли” миллий танлови ҳар йили анъанавий равишда ташкил этилади. Унинг асосий мақсади — ташкилотларда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган самарали сиёсатни йўлга қўйиш, илғор тажрибаларни аниқлаш ва кенг омма-лаштиришдан иборат.

Аслини олганда, гендер тенглик мавзуси Ўзбекистонда шунчаки тарғибот эмас, балки қонуний асосга эга жараён саналади. Жумладан, янги тахрирдаги Конституция, “Ўзбекистон-2030” стратегияси ҳамда Гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинган. Гендер тенглик сиёсатига нафақат ижтимоий адолат та-мойили, балки иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Таҳлиллар аёл-ларни таълим, бандлик ва бошқарув соҳаларига кенг жалб этган давлатларда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори эканини кўрсатади.

Қайд этилганидек, танловда ғолиб деб то-пилган ташкилотларда ходимларнинг ўртача 30-50 фоизини аёллар ташкил этади, 60 нафар аёл раҳбарлик лавозимида фаолият юри-моқда. Шунингдек, 10 мингдан зиёд аёл касбий салоҳиятни ошириш курсларига жалб этилган.

Танлов комиссияси белгиланган Низом та-лаблари асосида баҳолаш натижаларига кўра, 7 та номинация бўйича ғолибларни саралади. Келгусида танлов доирасида маҳаллалар ишти-рокини янада кенгайтириш ва “Гендер тенглик-ни таъминлашда энг фаол маҳалла” номинация-сини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Ҳақиқатан, мавзу жуда долзарб. Агар жамиятни катта оила сифатида та-саввур қиладиган бўлсак, унинг рив-ожига эркак билан баробар аёлнинг ҳам ўзига хос вазифалари борлигини унут-маслигимиз керак. Биринчи навбатда, у фарзанд тарбиясига масъул ҳисобла-нади. Болаларини етук шахс сифатида тарбиялаш эса онадан илму маърифат эгаллашни талаб қилади.



Худудимиз тумanning чекка қисмида жойлашган бўлишига қарамай, шаро-итлар анча яхши. Одамларимиз тиним-сиз меҳнат қилиб, оила фаровонлигини таъминлаш ҳаракатида. Деярли барча хонадон вакиллари томорқасида анор етиштиради. Иклим шароитимиз ва тупроқ унумдорлиги сабаб мазкур мевадан мўл-қўл ҳосил олин-япти. Ҳовлисида икки туپ анори бўлган киши ҳосилни камида 13 миллион сўмга пуллаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

К.ҲАСАНОВА.
Жиззах вилояти:

— Уч нафар фарзандни ёлғиз
вояга етказяпман. Эшити-
шимча, давлат биз каби
ёлғиз оналарга турли имти-
ёз ва имкониятлар тақдим
этган. Айнан солиқ тўлаш
йўналишида ҳам қандайдир
енгилликлар борми?

ЁЛҒИЗ ОНАЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БОРМИ?

Ситора РАҲМОНБЕРДИЕВА,
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси мутахассиси:

— Қонунчиликка кўра, икки ва ун-дан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар даромад солиғидан қисман озод қилинади.

Бунда уларнинг ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори-нинг 1,41 баравари (1 млн. 792 минг 110 сўм) миқдоридеги даромадлари-дан даромад солиғи олинмайди.

Бу имтиёз ҳар бир бола учун фука-ролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тақдим этадиган маъ-лумотнома асосида берилади.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шахноза РАҲИМЎЖАЕВА
тайёрлади.

Худудимизда
1 229 нафар хотин-қиз истиқомат қилади.
Уларнинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир вакили
расман ва ўзини ўзи банд қилган. Ҳатто,
фарзанд тарбиялаётган аёллар ҳам чорва
боқиб, сут ва қатиқ сотади. Шунинг ортидан
қунига 50-100 минг сўмдан пул топяпти.

фаолиятини бошлади. Умид қиламизки, соҳа бўйича бе-рилган билимлар тармоқни янада кенгроқ ривож топи-шига хизмат қилади.

Ўтган йили “Аёллар даф-тари”га киритилган икки на-фар опа-сингилимизга маҳал-ла тавсияси билан имтиёзли кредит ажратилди. Маблағ эвазига уларнинг биттаси чорвачиликни йўлга қўйган бўлса, бошқаси ўрикни да-нагидан ажратадиган махсус ускуна харид қилиб, халққа хизмат кўрсатяпти.

Охириги вақтда тўй-ха-шам ва маъракаларни ихчам ва камхарж тарзда ўтказиш масаласи долзарб аҳами-ят касб этапти. “Еттилик” вакиллари билан мазкур йўналишда кўплаб тарғи-бот тадбирлари олиб бо-риляпти. “Қуда чақириқ” ва “сарпо ёйиш” каби ортиқча маросимларни секин-аста қисқартиришга эришяпмиз. Аҳолига ҳалол меҳнат билан топилган пулни мақсадсиз совуришдан кўра, фарзанд-ларининг илм олиши учун йўналтириш кераклиги ҳақида бераётган тавсияла-римиз бесамар кетмаётган-нидан хурсандмиз.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

“Қийинчилик ҳар доим бўлган, муҳими ишончни йўқотганим йўқ”

Ҳаётнинг тур-фа синовла-рига енгил-май, ўз кучига ишониб ҳа-ракат қилган инсон, албат-та, мақсадига етади. Бунинг ёрқин наму-наси сифати-да тикувчи-лик орқали ўзи ва ўнлаб аёллар тақди-рини ўзгарти-ришга эриш-ган Дилором Йўлдошева фаолиятини кўриш мум-кин.

Нигина ШОЕВА,
журналист.



Денов туманидаги “Сурхондиёр” маҳалласида яшайдиган, уч нафар фарзанднинг онаси бўлган бу аёл 2022 йил бахтсиз ҳодиса оқибатида оёқларидан айрилган. Имконияти чекланган бўлишига қарамасдан, Дилором Йўлдошева ҳеч тушқунликка тушмади. Аксин-ча, у қийинчиликларни ҳаёт дарси сифатида қабул қилди. Ёшлигидан тикувчиликка қизиққан қаҳрамонимиз ҳунар сирларини пухта эгаллаб, аввалига уй шароитида фаолият бошлади. Унинг меҳнати, сабр-тоқати ва интилиши бе-самар кетмади. Бугунги кунда тадбиркор ташкил этган тикув-чилик цехида 6 нафар аёл доимий иш билан таъминланган, 40 нафарга яқин шогирд тикувчиликнинг сир-синоатлари-ни ўрганапти.

Ходимлар ва шогирдлар орасида уй бекаси бўлганлар, ишсиз юрганлар, турли ҳаётий қийинчиликларга дуч кел-ганлар кўп. Дилором опа уларга факат иш ўрни эмас, балки ишонч ва умид бераётгани билан ҳурмат қозонган. Устахо-нада аёллар тикувчилик сирларини ўрганиб, касб эгасига айланмоқда. Бу эса уларнинг оилавий даромади ошишига, ўз келажагига ишонч билан қарашига хизмат қилмоқда.

— Ҳаётда энг муҳими — ишончни йўқотмаслик. Агар ҳаракат қилсангиз, албатта, натижа бўлади, — дейди Дилором Йўлдошева. — Фаолиятини йўлга қўйишда, жамиятда, инсонлар орасида ўз ўрнини топишда турмуш ўртоғим Дилмурод Пардаевнинг хизмати катта. У энг оғир дамиларимда ёнимда турди, ўзим севган касб билан шуғулланишим учун чин дилдан қўмақлашди.

Дилором Йўлдошева каби жасур ва матонатли аёллар юртимиз равнақи-га му-носиб ҳисса қўшяпти. Шу боис ҳунарманд “Мардлик” ордени билан тақдирланди. Бундай рағбат ва эътироф унинг кучига яна куч бағишляпти.



Хар йили ёшларнинг энг яхши бизнес ва стартап лойиҳаларини аниқлашга қаратилган “ЁШ ТАДБИРКОРЛАР” ЧЕМПИОНАТИ ўтказилади.



Олий таълим ташкилотларида “ОЛИЙГОҲЛАР — СТАРТАПЛАР ГЕНЕРАТОРИ” дастури босқичма-босқич жорий этилади.



7 та ҳудудда илғор касбий маҳорат техникумларида “КАСБЛАР ШАҲАРЧАЛАРИ” ташкил этилади.

2026 йил
18 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №13

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Кимгадир кўмак бериб, далда бўлганинг хавотирни аритиб, хотиржамлик бағишлайди

Инсон ўзига қанча юқори марра ва натижаларни мақсад қилса, шунча юксалади, тажриба орттиради, камол топади. Ҳозир ёшларимиз орасида ана шу ўй-фикрлар билан юрганлар талайгина. Шулардан бири — Бердиёр Холмуродовдир.

Бекзод КУДАЙБЕРГЕНОВ,
Қўнғирот туманидаги
“Адабиёт” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

У оилада онаси ва синглиси билан яшарди. Меҳнаткаш йигит ўзини ўққа-чўққа урарди, лекин бироз уятчан — эшигини тақиллатмасак, ҳолини яшириб юрарларди. Бердиёр анчадан буён иш излаб юрган. Хар куни ариза топширар, кундалик ишларга чиқар, савдо ишларини ҳам синаб кўрар, лекин натижа бўлмас эди. Уйланиш арафасидаги йигитни келажак ҳақидаги хавотир тинч қўймасди. Аммо бу қийинчиликларнинг сабаби фақат ташки шароит эмас. Бердиёр кўпинча ёрдам сўрашдан тортинар, ўз имкониятларини тўлиқ баҳоламасди. Шу туфайли руҳий зўриқиш орти, ўзига бўлган ишонч камайди.



Вазиятни ўрганган ҳолда, биз “Қўнғирот савдо комплекси” МЧЖ бошлиғи Ғайрат Матмуратов билан ҳамкорликда Бердиёр ва яна икки ёшни доимий иш билан таъминладик. Ёш йигит савдо марказининг сотув бўлимида ишлай бошлади: маҳсулотларни тартибга келтиради, мижозларга йўл-йўриқ беради, савдо ҳисоб-китобларини юритади. Ойлиги барқарор, бу эса уйланиш ва кундалик харажатларни режалаштиришда ёрдам беради. Бундан ташқари, у эшик ром ясовчи устага шоғирд бўлди ва энди тушундики, маҳалла андиша қиладиган эмас, балки муаммо ҳал этадиган бир оила. Шунингдек, шу каби яна икки нафар ёш субсидия асосида асбоб-ускуналар билан таъминланди ва кичик бизнесини бошлаш имконига эга бўлди.



Бу воқеа ёшларимизга муҳим сабоқ беради: инсон ўзидан камчилик излаганда имкониятлар қўлдан чиқади, уятчанлик ва ғурур ёрдам сўрашга тўсқинлик қилади. Хар бир ёш нафақат ташқи ёрдам, балки ички ишонч ва фаолият орқали ҳам камолотга етиши мумкин.

ИЛМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ҲАМ ЧЕГАРА ТАНЛАМАЙДИ

ИМКОНИЯТ

“Ўқи, ўрган, олим бўл”, деган чақириқ йиллар давомида ёшларга айтиб келинади. Аммо кўп ҳолларда бир савол очик қолади: ҳамма жойда ҳам бунинг учун шароит борми?

Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда яшаётган ёшлар учун сифатли таълим, хусусан, хорижий тилларни ўрганиш имконияти етарли эмас эди. Натижада шаҳар ва қишлоқ ўртасида билим даражаси, имконият ва рақобат борасида тафовут пайдо бўлди.

Бугун бу муаммо босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 11 февралдаги “Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айнан шу масалага қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Қарорга кўра, олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда хорижий тилларни ўқитиш бўйича таълим хизматлари кўрсатувчи марказлар ташкил этиш учун 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга БҲМнинг 320 баравари миқдорида физсиз қарз (ссуда) ажратилади. Қарз яқка тартибдаги тадбиркорларга ёки устав капиталининг камида 50 фоизи Ўзбекистон фуқароларига тегишли бўлган юридик шахсларга тақдим этилади.



БУ ҚАРОРГА НЕГА ЭҲТИЁЖ ТУҒИЛДИ?

Биринчидан, бугунги кунда хорижий тил билиш оддий кўникма эмас, балки заруратга айланди. Чет тилини билган ёшлар нуфузли олий таълим муассасаларига кириш, халқаро грант ва дастурларда қатнашиш, масофавий ишлаш, юқори даромадли касбларни эгаллаш имконига эга бўлмоқда.

Иккинчидан, чекка ҳудудларда малакали ўқитувчилар ва замонавий ўқув марказлари етишмаслиги сабабли қўллаб-ёшлар шаҳар марказларига қатнашга мажбур бўларди ёки умуман ўқш имконидан маҳрум бўларди.

Учинчидан, бу қарор нафақат таълимни, балки тадбиркорликни ҳам қўллаб-қувватлайди. Бу жараёнда муҳим талаблар ҳам белгиланган: хорижий тил бўйича камида С1 даражадаги миллий ёки халқаро сертификат сўнгги икки йил ичида олинган бўлиши керак. Бу талаб сифатни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, қарз олувчи билан Жамғарма ижро этувчи органи ўртасида аффилиланглик бўлмаслиги белгиланган — бу эса шаффофликни таъминлайди.

Маъмур қарорнинг моҳияти оддий: имкониятни марказдан чекка ҳудудларга ҳам олиб бориш. Энди “шаҳарда таълим зўр ривожланган” деган баҳона ўринли эмас. Давлат шароит яратмоқда, навбат ташаббускор, билимли ва масъулиятли ёшларга.



Илм ҳеч кимни четлаб ўтмайди, уни излаш ва ундан фойдаланиш эса хар биримизнинг бурчимиз. Энди имконият эшиги очилди. Уни тақиллатиш эмас, дадил очиб кириш керак.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Ёш тадбиркор ерни аукцион орқали олиши шартми?

Ботир ЙЎЛДОШЕВ.
Қашқадарё вилояти:
— Мен ёш тадбиркор сифатида ишлаб чиқариш цехи очмоқчиман. Шу мақсадда ер участкасини аукцион орқали олишим зарурми ёки бошқа имтиёзли тартиблар мавжудми?

Жаҳонгир АБДУНАЗАРОВ,
Миришкор тумани ҳокимининг
қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари
бўйича ўринбосари:

— Сиз ёш тадбиркор сифатида ишлаб чиқариш, хизмат ёки шаҳарсозлик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштиряпсиз. Қонунчиликка кўра, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорларида белгиланган ҳоллардан ташқари, фақат электрон онлайн-аукцион орқали тадбиркорларга берилади.



Бу дегани, сиз тадбиркорлик фаолияти учун ер участкасини онлайн-аукцион орқали олсиз, керакли ҳўжатларни тайёрлаб, электрон ариза орқали аукционда қатнашишингиз мумкин.

БАНДЛИК БАРҲАМ
ТОПАЙТИМИ?

“СЕН МАМЛАКАТГА КЕРАКСАН” ДАСТУРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

2026 йилги Давлат дастурида ёшларга кенг имкониятлар яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сабъ-ҳаракатлар амалга оширилади.



Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА.

Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топишириш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади. “Заковат” ва бошқа интеллектуал уйинларга 800 минг нафар йигит-қиз жалб этилади.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантиқий давоми сифатида “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида 150 минг нафар ёш ўқитилади. “Оила — маҳалла — боғча — мактаб” бўғини учун алоҳида услубий ёндашув асосида миллий тарбия модели яратилади.

Жамиятда ижтимоий-маънавий волонтерлик лойиҳалари кенгайтирилади. Волонтерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича “Сен мамлакатга кераксан” давлат дастури ва имтиёзлар тўплами жорий этилади. Волонтерлар учун грант дастури ишлаб чиқилади. Ёшларда илмий дунёқараш ва конструктив мулоқот муҳити шакллантирилади.



2026 йилги
МУБОРАК РАМАЗОН
ОЙИНИНГ БОШЛАНИШИ
19 феврал кунига
тўғри келиши расман
маълум қилинди.



Рамазон ойида
ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ
УЧУН 1 триллион
сўмдан зиёд маблағ
ажратилади.



Ўзбекистонда
ПЕНСИЯДАН
ЧЕГИРМАЛАР
ЧЕКЛАНАДИ ва
жамғариб бориладиган
тизим ислоҳ қилинади.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

“МЕҲРЛИ ОИЛА”ДА МЕҲР БИЛАН УЛҒАЯДИ БОЛАЛАР

Фарзанд — инсон учун берилган энг улугъ неъмат. Уни муносиб тарбия қилиш, эл корига ярайдиган шахс сифатида тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги катта масъулият. Бу вазифани адо этиш жуда завқли, шу билан бирга, тўғри ёндашув талаб этади.

Феруза БОЗОРОВА,
Қарши тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази
Болаларни ижтимоий Ҳимоя қилиш шўъбаси
бош мутахассиси.

Лекин феъл-атворлар турлича, кечмишлар ҳар хил. Айрим ҳолатларда оилавий ажрашишлар оқибатида болаларнинг қаровсиз ёки қариндошларининг қарамоғида қолиб кетаётганига гувоҳимиз. Бундай вазиятда уларга қандай муносабат кўрсатилаётгани кун-дек равшан. Қанчадан-қанча зўравонлик қурбони бўлаётган ўдақлар тақдири эса ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди.

Шу каби ҳолатларга муносиб ечим топиш мақсадида жорий йилнинг 9 февраль куни Ҳукумат қарори билан “Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.



Унга кўра, ижтимоий хизматлар зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар ва уларнинг оилалари учун Ҳимоя қилиш режасига мувофиқ кўрсатилади.

Ижтимоий Ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига қуйидаги шаклларда ижтимоий хизматлар кўрсатилади:

- ✓ ижтимоий Ҳимояга муҳтож болалар учун;
- ✓ 6 ойгача бўлган муддатга қисқа муддатли ижтимоий хизматлар;
- ✓ 1 йилгача бўлган муддатга узоқ муддатли ижтимоий хизматлар;
- ✓ 1 йилгача бўлган муддатга туну-кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар;
- ✓ ижтимоий Ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилалари учун “Меҳрли оила” хизмати.

2026 йил 1 мартдан “Инсон” марказларида ижтимоий Ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари учун “меҳрли оила” хизмати ташкил этилади. Бу хизматга ота-оналар Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг қарори асосида жалб қилинади.

“Меҳрли оила” хизматига жалб қилинган ота-оналарга “оилавий терапия” хизматлари бепул кўрсатилади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ



“УМИД, ИШОНЧ ВА ИМКОНияТ пайдо бўлгани мен учун энг катта мукофот”

Мен ижтимоий ходим лавозимини масъулият ва ғамхўрлик белгиси, деб биламан. Бу касб инсонлар тақдирига бевосита дахлдор бўлиш, оғир ҳаётий вазиятга тушган фуқароларга ёрдам бериш, уларга ишонч ва умид бағишлаш имконини беради.

Лобар АМИРҚУЛОВА,
Сирдарё туманидаги “Матонат”
махалласи ижтимоий ходими.

Айни вақтда маҳалламизда 2 720 нафар аҳоли, 830 та оила ва 515 та уй ҳўжали-ги мавжуд. Ишни дастлаб, ижтимоий Ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини шакллантиришдан бошлаганман. Ҳозирги кунга келиб, ҳудудимизда 17 та кам таъминланган оила, 36 нафар ижтимоий нафақа олувчи фуқаро, 10 нафар ногиронлиги бўлган бола, 136 нафар ногиронлиги бўлган катта ёшли шахс истиқомат қилмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

Мен ижтимоий ходим сифатида ҳар бир инсон бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли эканини чуқур ҳис этаман ва бу йўлда хизмат қилишдан фахрланаман. Инсонлар ҳаётида умид, ишонч ва янги имкониятлар пайдо бўлаётганини кўриш мен учун энг катта мукофотдир.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНияТ ЧЕКСИЗ


ИРОДА — ТЎСИҚЛАРГА ҚАРШИ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОН

Вобкент туманидаги “Ҳажувон” маҳалласида яшайдиган Бобурбек Каримов ҳаётнинг турли синовларига қарамай, ўзига бўлган ишончини ҳеч қачон йўқотмади.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Унинг фикрича, жисмоний имкониятнинг чеклангани сабаб инсон тўхтаб қолмаслиги керак. Ақсинча, кучли ирода, теран тафаккур ва меҳнатсеварлик ҳаётдаги энг муҳим омилдир. Айнан шу қараш уни доимо ҳаракатда бўлишга, жамиятда ўз ўрнини топишга ундаб келмоқда.

Ижтимоий ходим ташаббуси билан электрон юритмали аравача берилгани Бобур аканинг кундалик ҳаётини анча енгиллаштирди. Ушбу ёрдам нафақат ҳаракатла-ниш имконини кенгайтирди, балки унинг шижоатини ошириб, тадбиркорлик фаолияти-ни ривожлантиришига замин яратди.



Бугунги кунда қаҳрамонимиз тўловларни амалга ошириш шохобчаси ва кичик ошхона ташкил этган. Фуқаро шу орқали 4 нафар ходимни иш билан таъминлаб, бошқаларга ҳам даромад манбаини яратди. Бу эса унинг масъулиятли, меҳнатсевар ва ташаббускор инсон эканидан далолат беради.

3 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси бўлган Бобур ака энг катта бойлик — ирода ва интилиш эканини ўз ҳаракатлари мисолида исботлаб келмоқда. Унинг меҳнати, қатъияти ва ижобий қарашлари кўплаб инсонларга илҳом бағишлаётгани жуда қувонарли.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

КЎМАК КЎНГИЛ РИШТАСИНИ ЯНА БОҒЛАДИ

Кармана туманининг “Катта масжид” маҳалласида яшовчи Машхура Ҳайдарова айни пайтда 6 ёшда. У болалигидан оғир синовларга дуч келган...

Фаррух БАҒОЕВ,
Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари.



та-она тарбиясини олмаган, мактабга умуман бормаган, ҳатто туғилганлик гувоҳномаси ва паспорти ҳам йўқ эди. Машхура 6 ёшидан бери бувисининг қўлида тарбия топиб келаётган бўлса-да, қонунан васий-

лик расмийлаштирилма-ган эди. Бироқ маҳалладаги ижтимоий ходимнинг сатъ-ҳаракатлари натижасида бу оила ҳаётида катта ўзга-ришлар бошланди.

Биринчи навбатда, хо-надон вакиллари чуқур тиб-бий кўриқдан ўтказилди. Машхурага туғилганлик гу-воҳномаси ва шахсий пас-порт олиш ишлари амалга оширилди. Қиз таълимга жалб қилинди, савод чиқа-риш учун алоҳида ўқитув-чи бириктирилди. Хонадон “Камбағал оилалар ре-естри”га киритилиб, бола-



лар нафақаси тайинланди. Яшаш шароитини яхшилаш мақсадида улар янги уйга кўчирилиб, ижара пули “Са-ховат ва кўмак” жамғарма-си орқали қоплаб берилди. Энг муҳими, Машхура ва онаси ўртасидаги муноса-батлар тиклана бошлади.

Қизнинг вақтини сама-рали ташкил этиш мақса-дида тикувчилик хунарини ўрганишга жалб қилинди. Ҳомийлар кўмағида озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда моддий ёрдам кўрсатилди. Психолог хизмати ташкил этилди.

Натижада Машхура ва унинг оиласи ҳаётида катта умид ва янги имкониятлар эшиги очилди. Бу каби ишлар ҳар бир бола ва оила ҳаётида ижтимоий Ҳимоя тизими қай даражада муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор исботлайди.



ХУДУДИЙ
ТЕНГЛИК ИНДЕКСИ
ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ
ВА УНИНГ АСОСИДА
БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ
ТАКСИМЛАНАДИ.



Давлат
дастурига кўра,
2026 йилда
1 миллион аҳоли
ДОИМИЙ ИШГА
жойлаштирилади.



2026 йил
1 январь ҳолатига
мамлакатимизда ҳар
1 000 НАФАР АҲОЛИГА
ЎРТАЧА 31,7 ТА
тадбиркорлик субъекти
тўғри келган.

2026 йил
18 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №13

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”


СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

“Солиқни қачон ва қандай тўлашни тушунтириш, қонуний йўл кўрсатиш вазирамга киради”

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ!”

Баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, фуқаролар қонуннинг асл мазмунини чуқур англамай туриб, фаолиятини яшириш ёки “шунчаки ишлаб юрибман” деган қараш билан ўзини оқлашга уринади.

НЕГА БИЗ ҚОНУННИ ТЕКШИРУВ КЕЛГАНДА ЭСЛАЙМИЗ?



Озода ЧОРИЕВА.

Сирдарё туманидаги “Камолот” маҳалласи ҳудудида, “Тошкент — Душанбе” автоомбилъ йўли (М34) ёқасида балиқчилик билан шуғулланган Содиқ Очилов ва унинг турмуш ўртоғи фаолияти ҳам шундай ҳолатлардан бири эди. Улар ҳовлисида балиқ етиштириб, йўл бўйида сотиб, кун кўради. Аммо фаолияти расмийлаштирилмаган, онлайн назорат-касса машинаси йўқ, икки нафар ишчи эса норасмий ишлаб келади.

Бу ҳолат ҳақида солиқ инспектори тасодифан эмас, кузатув ва таҳлил орқали хабар топди. Йўл бўйида савдо нукталари кўпайгани, лекин тушумлар бўйича расмий маълумотлар камлиги эътиборни тортди. Маҳалла фаоллари билан суҳбатда ҳам балиқ савдоси ҳақида гап чикди. Шундан сўнг инспектор текширувга шошилмади, аввал тадбиркорлар билан очик суҳбат қилишни маъқул кўрди.

Улар билан учрашиб, жазолашдан олдин тушунтириш йўлини танлади. Қонун талабларини содда тилда изоҳлади: рўйхатдан ўтиш қийин эмаслиги, онлайн касса ишлатиш тартиби, расмий ишчи ёллашнинг фойдаси ҳақида бирма-бир тушунтирди. Давлат бераётган енгиллик ва имкониятларни кўрсатиб берди. Энг муҳими, “яширин ишлаш хавфи, қонуний ишлаш эса барқарор” эканини мисоллар билан уқтирди.

Натижада оила электрон платформа орқали рўйхатдан ўтди. Онлайн назорат-касса машинаси ўрнатилди. Норасмий ишчилар расмийлаштирилди. Ҳужжатсиз ишлаётган икки фуқароннинг фаолияти қонуний йўлга қўйилди. Солиқ инспектори фақат назорат қилувчи эмас, балки кўмакчи бўла олишини амалда кўрсатди.



Бу воқеадан сўнг савол туғилади: нега биз қонунни фақат текширув келганда эслаймиз? Негатартибни мажбурият сифатида қабул қиламизу, имконият сифатида кўрмаймиз? Агар ҳар бир тадбиркор “мен кичикман” деган тасалли билан яширин ишлашни давом эттирсан, умумий тизим қачон мустаҳкамланади?

Солиқ инспекторининг бу ерда роли жазоловчи эмас, йўл кўрсатувчи бўлди. Аммо ҳар доим ҳам бундай юмшоқ ёндашув бўлавермайди. Шунинг учун энг тўғри йўл — қонунни текширувдан кўрқиб эмас, онгли равишда ҳурмат қилишдир. Ана шундагина танқид ўз мевасини беради, назорат эса ишончга хизмат қилади.

Бир неча ой аввал маҳалламиздаги фуқаролардан бири — деҳқончилик билан шуғулланадиган ўрта ёшли киши хузуримга келиб, ер солиғи бўйича катта қарздорлик чиқиб қолганидан норози бўлиб мурожаат қилди. Унга кўра, солиқ миқдори нотўғри ҳисобланган, тўлашга қурби етмайди, жарима ҳам қўшилиб кетган...



Аввалги йиллардаги тартиб бўйича бундай вазиятда фуқаро туман солиқ инспекциясига бир неча бор бориб келар, ҳужжат тўплар, вақт йўқотар эди. Натижада масала чўзилиб, қарздорлик янада ортарди. Ҳозирда бу каби масалаларнинг барчаси маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.

Лазизжон
РЎЗИМУРДОВ,
Муборак
туманидаги
“Қурувчилар”
ва “Истиқлол”
маҳаллалари солиқ
инспектори.

Ҳолатни жойида ўрганиш учун унинг хонадонига бордим. Маълум бўлишича, ер майдонининг бир қисми амалда фойдаланилмаётган бўлса-да, эски кадастр маълумотлари асосида тўлиқ ҳажмда солиқ ҳисобланган. Шунингдек, фуқаро

солиқни йил давомида бўлиб тўлаш мумкинлигини ҳам билмаган. Энг ачинарлиси, у солиқдан қочмоқчи эмас, шунчаки тартиб-қоидаи тушунмаган эди.

Аввало, кадастр маълумотларини аниқлаштириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Ортиқча ҳисобланган қисми қайта кўриб чиқилди. Сўнг-ра фуқаро билан бирга унинг шахсий кабинетини орқали қарздорлигини текшириб, тўловни тенг қисмларга бўлиб тўлаш тартибини тушунтирдим. Жарима ҳисобланиши-

нинг олди олинди. Энг муҳими, у ўз мажбуриятини англаб, қонуний ва енгил йўл билан муаммони ҳал қилганини ҳис қилди.

Шу каби ҳолатлар маҳалламизда илгари кўп учрар эди. Мол-мулк ёки ер солиғи бўйича тушунмовчилик сабабли йиллаб қарздорлик йиғилиб қоларди. Фуқаро солиқ идорасидан йироқ, солиқни эса фуқародан узоқ эди. “Маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгач, вазият ўзгарди: биз энди идорада ўтириб кутмаймиз, муаммони жойига бориб ўрганамиз.

Бу мисол шуни кўрсатадики, муаммо кўпинча тўлашни истамасликда эмас, балки тушунмасликда. Агар солиқ инспектори ҳар бир хонадонга кириб, қонунни оддий ва раван тилда тушунтира олса, қарздорлик қамаяди. Одамлар солиқни жазодан кўрқиб эмас, маҳалла равақи учун тўлай бошлайди.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

ТАРТИБ

“Кейинроқ тўлайман”, деган ўй муаммо ечимини кечиктиради, холос

2026 йил
1 июлдан
бошлаб, кўп
квартирали
уйлар учун
мажбурий
тўловларни
“квартплата”) ўз вақтида
тўламаслик
янада қатъий
назорат
қилинади.



резидентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, агар мулкдор ойлик тўловни ойнинг 15-санагача амалга оширмаса, унинг электр энергияси учун тўловлари қарз тўлиқ ёпилгунча қабул қилинмайди.

Бу дегани, оддийгина “кейинроқ тўлайман” деган кайфият энди бўлмайди. Мақсад — уйнинг умумий эҳтиёжлари учун йиғиладиган маблағларни барқарор қилиш ва қарздорлик занжирини узиш. Банк ҳисобварағидаги маблағлар ҳар ой, биринчи навбатда, қуйидаги эҳтиёжлар учун ишлатилади: уй йўлақларини таъмирлаш, лифт ишлашини назорат қилиш, уй атрофи ҳудудини ёритиш ва насос каби бошқа умумий уй хизматлари. Маж-

бурий тўловларнинг кечикиши лифтининг ишламаслиги ёки йўлақларнинг қоронғу бўлиши каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Кечиккан тўлов учун пеня ҳам ҳисобланади. Унинг миқдори жисмоний шахслар учун тўловнинг 0,1 фоизи, юридик шахслар учун ҳар бир кечиккан кун учун 0,4 фоиз. Лекин пеня ҳар ой учун кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу маблағлар уйнинг ҳисобварағига ва “Ме-

нинг уйим” тизимини сақлаш харажатларига тенг улушларда тақсимланади.

Мажбурий тўловларни банк карталари, электрон тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали амалга ошириш мумкин. Энг тўғри йўл — 15-санани “қизил чизик” деб қабул қилиш: картада автотўловни ёқиш, телефонга эслатма қўйиш ёки тўловни 10-12-саналар атрофида амалга ошириш орқали кечикишнинг олдини олиш мумкин.

Тўловларни ўз вақтида тўлаш орқали сиз “электр тўловим ўтмай қолди” деган вазиятга тушмайсиз, уй бошқаруви эса режа асосида ишлайди.



Ўзбекистонда судьяларни ташкилий ишлардан озод этувчи СУД МАЪМУРЧИЛИГИ ИНСТИТУТИ жорий этилади.



2025 йилда ҲАЙВОНЛАРГА НИСБАТАН ШАФҚАТСИЗ МУНОСАБАТДА БЎЛГАН 70 нафар КИШИ жавобгарликка тортилди.



Тошкентда январь ойида АВТОБУСДА ЧИПТАСИЗ ЮРГАН 11 МИНГ 502 йўловчи жаримага тортилди.

8

Mahalla

№13

2026 йил
18 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

ФАРЗАНДНИ ХЎРЛАШ ВА ҲАҚОРАТЛАШ БИЗГА БЕГОНА ЭДИ-КУ?!

Юртимизда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб улғайишлари учун ғамхўрлик кўрсатиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш миллий қонунчилигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Иброҳим ЁҚУБЖОНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Қўргонтепа туманлараро
суди судьяси.

Бегона шахсларгина эмас, ҳатто боланинг ота-онаси ҳам ўз фарзандига нисбатан у ёки бу шаклда зўравонлик қилиши, руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар содир этиши мумкин эмас. Акс ҳолда, вазият оғир феъл-атворли ота-оналар ўз фарзандига эгалик ҳам қилолмайдиган ҳолатгача етиб келиши эҳтимоли ортади. Бу фикрни фука-

ролик ишлари бўйича Қўргонтепа туманлараро судида кўриб чиқилган ҳолат — болани ўз тарбиясига олишга доир даъво аризаси қаноатлантиришдан рад этилганлиги мисолида кўриш мумкин.

Аниқроқ айтганда, Жамшид Эрматов (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга қайнонаси Хосиятхон Собировага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 13 ёшли Икромжон ҳамда 10 яшар Муфинахон исмли фарзандларини ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган. Суд мажлисида Ж.Эрматов турмуш ўртоғи 9 йил аввал

хасталикдан вафот этгани, уч ой илгари болалари бувисининг уйига кетиб қолгани, эндиликда қайнонаси уларни отаси билан бирга яшашига рухсат бермаётганлигини таъкидлаган.

Аниқланишича, кунларнинг бирида тушлик вақтида Икромжон ўғай онасининг топшириғи билан идишларни тоза ювмагани учун отаси унга танбеҳ беради. Мулоқот жараёнида ота ўз ўғлининг кўкрак қисмига туртиб, идишларни қайтадан тоза ювишини буюради. Шу воқеанинг эртасига Икромжон синглиси Муфинахонни олиб, “мактабга кетяпмиз” деб уйдан чиқади ва тўғри бувисининг хонадонига боради. Ортидан излаб келган отасига жавобан эса уйига қайтишни хоҳламаслигини, бувиси билан бирга яшамокчи эканлигини маълум қилади. Ўз навбатида, Хосиятхон Собирова

куёвига набираларига нисбатан мунтазам равишда салбий муносабатда бўлаётгани учун уларни бермаслигини таъкидлайди.

Бу орада Жамшид Эрматов қайнонаси фарзандларини қайтармаётгани юзасидан туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Бироқ муроди ҳосил бўлмайди: ички ишлар бўлими жиноят иши кўзгатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Шундан сўнг судлашишга жазм қилади.

Суд қонун талаблари, шунингдек, иш юзасидан “маҳалла еттилиги” ҳамда туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази берган хулоса, Андижон давлат педагогика институтини “Психологик хизмат маркази”нинг суд-психологик экспертиза хулосаси ва ишдаги бошқа ҳужжатларга таяниб, даъвогарнинг талабини қаноатлантиришни рад этди...



Ушбу мисолдан хулоса шуки, қонунчилигимизда вояга етмаган болаларнинг манфаатлари ҳамиша устувор. Зеро, ота-она болаларни тарбиялаш ва уларнинг камолоти учун имконият яра-

тишга масъул экани баробарида, оиладаги бирор-бир хатти-ҳаракат манфаатларига зид бўлиши, уларнинг жисмоний ва руҳий камолотига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?



ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТ БИР, АММО НАТИЖАЛАР НЕГА ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ?

...Одатдаги иш фаолиятини бошлаш арафасида чегарадан ноқонуний чорва моллари олиб ўтишга уриниш ҳақида тезкор хабар келди. Ходимлар билан ҳамкорликда воқеа жойига бордик. Жиноятнинг изини иссиғида фош этдик. Ноқонуний тарзда юртимизга олиб кирилаётган 50 бош чорва моллари тўхтатиб қолинди ҳамда давлат фойдасига 700 миллион сўм ундирилди.

Баҳриддин ЙЎЛДОШЕВ,
Конимех туманидаги
“Учтобе” маҳалласи
профилактика инспектори.

Анлаганингиздек, 2 400 нафар аҳоли яшайдиган маҳалламиз Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Шу боис жиноят содир этишга уринишлар нисбатан кўп. Асосан, ноқонуний маҳсулотлар олиб ўтиш ҳолати кузатилади.

Ҳа, иш ҳажми катта. Озгина эътиборсизликка йўл қўйсақ, оқибати ёмон бўлади. Буни “еттилик”нинг барча ходимлари юракдан, қалбдан ҳис қилиб тураемиз. Шу боис ўтган йили бирорта жиноят содир этилмади. 2025 йилда “сарик” тоифада бўлганди, 2026 йил “яшил”га ўтдик.

Кўпчилик тажрибам билан ўртоқлашишимни, муваффақиятим сабабини сўрайди. Чиндан ҳам, бир хил шароит, имконият ва имтиёзга эга бўлиб, нега натижаларимиз ҳар хил? Жиноятларни жиловлаш, аҳолининг тинчлиги ва аҳиллигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга масъулият билан ёндашаман. Ҳар кун, ҳар соат одамлар орасидаман. Мавжуд масала ва муаммоларга қонуний ечим топиш юзасидан ҳуқуқий маслаҳат бераман, айримларини биргаликда ҳал қиламиз. Муқаддам судланган шахслар билан очиқ мулоқот қилиб, уларга оқилона иш туттишни, қилмишларини тақрорламаслиқни тушунтираман. Турмуши яхши тарафга ўзгариб кетган тақдирлардан ҳаётини мисоллар келтираман. Айниқса, ёшлар, вояга етмаган болалар тарбиясига алоҳида эътибор бераман. Дарсга бормаган ёки кечаси кўчада дайдиб юрган болаларни кўрсам, дарҳол ота-оналари билан гаплашаман.



Яна бир муҳим жиҳат, ютуқларимиз омили — бирдамликда. “Маҳалла еттилиги” ҳар қандай муаммо ва мурожаатни тезкор ҳал этишда ҳамкор. Аслида ҳам, эл тинчлигини сақлаш бир кишининг иши эмас. Бу жараёнда, албатта, аҳолининг кўмағи зарур.

Чунки одамлар ҳушёр бўлмаса — ўғирлик, қонунларни ҳурмат қилмаса — ўзаро низо ва жанжаллар кўпайиши аниқ. Шу боис, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун ҳар бир ноҳия хатти-ҳаракатнинг сабаб ва оқибатини тушунтираман. Баъзан содир этилган жиноятларни очиш учун ширин уйку ва ҳаловатдан воз кечишга тўғри келади.

“Менинг инспекторим” иловаси ишга тушгач, фаолиятимиз янада осонлашди. Жумладан, мазкур илова орқали кўп қаватли уйлар олдидаги кириш йўлакларини тўсиб қўйган автомашиналар, тунги вақтларда уй олдида юрган шубҳали шахслар, қўшни хонадонлардаги маиший шовқинлар, даракларнинг ноқонуний кесилиши, хонадон кириш эшиғи қўлфланиб қолганлиги, коммунал соҳада ва бошқа турдаги муаммолар юзасидан мурожаат юбориш имконияти ошди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли ва маҳалла орасидаги масофа яқинлашди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Толиббой САМАНДАРОВ,
Мингбулоқ тумани:

— Маъмурий суд ишларини юртишда дастлабки ҳимоя чораларини кўриш қандай аҳамиятга эга? Унинг жабрланувчиларга фойдаси борми?

ҚАЙСИ ВАЗИЯТДА ДАСТЛАБКИ ҲИМОЯ ЧОРАСИ КЎРИЛАДИ?



Бахтиёр ТУРҒУНОВ,
Янгиҳаёт тумани ички ишлар
бошқармаси бўлим бошлиғи:

— Ҳар қандай суд жараёни вақт талаб қилади ва айрим ҳолатларда фуқаронинг ҳуқуқлари жиддий хавф остида қолиши мумкин. Шунинг учун маъмурий судларда “Дастлабки ҳимоя чоралари” деган тушунча мавжуд. Яъни, агар фуқаронинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига зарар етиш хавфи бўлса, суд асосий қарорни қўтмасдан, вақтинчалик чора кўриши мумкин.

Бу — суд қарори чиқмагунча фуқаронинг ҳуқуқларини вақтинча ҳимоя қилиш учун кўриладиган тадбирдир. Суд маъмурий ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган ҳужжат қабул қилинганига қадар аризаچининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чораларни кўрмасдан туриб ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса, шундай қарорга келади. Асосий мақсад — суд иши кўриладиган даврда фуқаронинг ҳуқуқларига зиён етмаслигини таъминлаш.

Дастлабки ҳимоя чораларини кўришга маъмурий суд ишларини юртишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади. Бу — вақтинчалик бўлиб, суд жараёни тугагунга қадар амал қилади. Якуний қарор чиққач, бекор қилиниши ёки доимий ҳуқуқий таъсирга эга бўлиши мумкин.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ

Дизайнер:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 850 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-220

